

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

Ҳимояга рухсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2012 йил

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича битирувчи

Ахматханов Бобурнинг

**ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илимий раҳбар: _____

Наманган 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I.БОБ. Қўшма корхоналарни миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнининг назарий асослари.....	
I.1 Қўшма корхоналарни моҳияти, аҳамияти ва зарурияти	6
I.2. Чет эл капитали иштирокида тузилган корхоналарнинг турлари ва уларга тавсифнома	21
I.3. Қўшма корхоналарнинг ташкил эташнинг давлат томонидан рағбатлантириш	29
II.Боб. Қўшма корхоналарнинг мамлакат иқтичодиётининг ривожланишидаги ўрнини тахлили.....	
II.1. Корхоналарнинг техник иқтисодий фаоляти тахлили	34
II.2. Қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт салоҳиятини ошириш истиқболлари	39
II.3. Қўшма корхоналар молия хўжалик фаоляти самарадорлигини ошириш	50
III.Боб Худудимизда ялпи қўшма корхоналар тузиш истиқболи ва йўналишлар.....	
III.1. Қўшма корхоналар тузишнинг асосий йўналишлар.....	55
III.2. Чет эл сармояси иштирокида корхоналар самарадорлигини ошириш истиқболлари	59
Хулоса ва таклифлар.....	64
Фойдаланилган адабиётлар.....	66

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда миллий иқтисодиётга қўшма корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа шарт-шариотларни такомиллаштириш, маблағларни амлакат иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш ҳозирда ўтказилаётган сиёсатнинг асосий тамоилларидандир. Чунончи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек “Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.”

Табиийки бундай муҳим ва стратегик вазифани амалга ошириш фақат хориж инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарни ривожлантириш асосидагина эмас, балки уларни барча омиллар ва бозор муносабатларини ҳисоб олган ҳолда инновацион фаолиятни ҳам назарда тутаяди.

Мустақиллик йилларида республикада макроиқтисодий барқарорликга эришиб, иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилиш жадал сураатлар билан ўсиб бормоқда. Айниқса, хориж инвестициялари ёқилғи энергетика, машинасозлик, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик тармоқларига кенгроқ жалб қилинган. Айни пайтда қўшма корхоналарнинг ҳудудий таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, Тошкент, Андижон, Фарғона, Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг хўжалик мажмуасида жеч эл инвестициялари меъёрида қўшма корхоналарининг салмоғи анча юқори.

Бироқ, шунга қарамасдан, баъзи ҳудудларнинг мавжуд имкониятлардан суғулланганлиги, барпо этилган қўшма корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва республика экспорт салоҳиятидаги ўрни кўнгилдагидек эмас. Хусусан замонавий инфраструктура шаҳобчаларининг етарли даражада ривожланмагани, малакавий ишчи кучи ва инвестиция маносини яхши

ташқил қилинмаганлиги инновацион фаолиятини жалб қилишга тўсқинлик қилинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, республикамизда кўшма корхоналар фаолиятини иқтисодий самарадорлигини назарий ва амалий масалалари Наманган вилояти мисолида кўриб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ташқил этиши ва унда менежментнинг ролини ошириш масалалари А.Абдуғаниев, С.С. Ғуломов, А. Пардаев, М. Шарифхўжаев, Д.Рахимова, Э.Махмудов, А.Ортиқов, Р.Валижонов, А.Хайитов каби олимлар асарлари ва илмий ишларида таҳлил қилинган ҳамда кенг ёритилган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши натижасида кўшма корхоналар молиясини ташқил этиш ва ривожлантиришнинг ҳали ҳал этилмаган муаммолари мавжуд, шунингдек бозор муносабатлари шароитида янги назарий ва амалий муаммолар вужудга келмоқда шунинг учун ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва ҳали ҳал этилмаган муаммолари мавжудлиги ушбу битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ишининг мақсади бозор муносабатлари шароитида кўшма корхоналар молиясини ташқил этиш ва уни такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат. Мазкур мақсадни амалга учун қуйидаги вазифалар белгиланади.

- Кўшма корхона молияси тушунчаси иқтисодий табиати ва уларнинг корхона иқтисодиётидаги аҳамиятини ёритиб бериш;
- Кўшма корхона молияси шакиллантиришнинг ўрганиб чиқиш;
- Наманган вилояти кўшма корхоналари молиясини муаммоларини таҳлил қилиш;
- Кўшма корхоналар фаолияти самарадорлиги омилларини аниқлаш;

- Қўшма корхоналари фаолиятини иқтисодий самарадорлиги масалалари таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Наманган вилоятида фаолият юрутувчи қўшма корхоналар белгиланди.

Битирув малакавий ишининг предмети сифатида қўшма корхоналар молиясини ривожлантириш ва уларни самадорлигини ошириш борасидаги иқтисодий муносабатлар тизими хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг услубиёти ва услубий йирик иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва республикамиз президенти И.Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар хизмат қилади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат Статистикаси қўмитаси ва Наманган вилояти статистикаси бош бошшқармаси маълумотларидан ҳамда мазкур йўналишда нашр этиладиган махсус илмий адабиётлардан фойдаланилган.

Битирув малакавий иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, услубий ва назарий асослари шакллантирилган.

Битирув малакавий ишининг 1-бобида қўшма корхоналарни миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ўзига хос ўрни ахамияти хусусиятлари ёритилган.

Битирув малакавий ишининг 2-бобида қўшма корхоналар, уларни техник иқтисодий тахлили, махсулот экспорт салоҳиятини ошириш истиқболлари тахлил қилинган ва баҳоланган битирув малакавий ишининг 3-бобида қўшма корхоналар тузилиши асосий йўналишлари ҳамда корхоналар фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижасида олинган энг муҳим хулосалар ва таклифлар умумлаштирилган.

I.БОБ. Қўшма корхоналарни миллий иқтисодийни ривожлантиришдаги ўрнининг назарий асослари.

I.1 Қўшма корхоналарни моҳияти, аҳамияти ва зарурияти.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни ўтказиш бориб халқаро меҳнат тақсимооти қулайликлардан фойдаланишга интилади, антабий тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратмоқда.

Мамлакатимиз учун чет эл инвестицияларни жалб этиш устувор соҳаларга қуйидагилар қиради:

- Агротехнология мажмуини ривожлантириш, бу эса пиравардида аҳолининг меърий турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади.
- Саноатнинг устувор соҳалари ёқилғи энергетик мажмуани жадал ривожлантиришнинг халқ хўжалигини илму фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларни англаш ва янгиларини барпо этиш, Республиканинг импортга қарамлилигини камайтириш.
- Экспорт салоҳиятини техника маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар хиссасини ва хажминини қўпатириш ҳам ашё базасини ўзлаштириш кимё маҳсулотини экспортини қўпайтириш.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш, қадимги хунарманд ва анъанавий хунармандчиликни тиклаш.
- Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда игтирок этиш шу минтақада корхоналарнинг ҳамкорлиги учун зарур бўлган иқтисодий ва ташкилиш шароитларни барпо этиш ўзаро манфаатли объектларни ҳамкорлигини қўриш ва тиклаш.
- Чет эллик инвесторнинг иқтисодийнинг барқарорлаштиришга янада ривожлантириш Республика

амалга оширишга жалб этиш ўзини тез оқлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун ажнабий тадбиркорлар халқаро ташкилотлар томонидан инвестиция фондлари ташкил этиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадлар йўлида инвестицияларни турли манбаалари ва унинг узоқ ҳамда қисқа муддатли кредитлар тўғри қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш тижорат фаолиятини ривожлантириш улушбай иштирок этиш каби шакл ҳамда усулларидан фойдаланилмоқда.

Инновацияон фаолиятни корхона иқтисодиётининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Зеро, қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни олиб кириш иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хоз катализатори бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, иқтисодий ислохотларнинг самараси оқилона ва бақувват инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жihatдан боғлиқдир.

Шу жihatдан қўшма корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий тадбиқ этиш ғоят муҳим масалалар сарасига киради. Аммо тадқиқотлар амалиётида қўшма корхоналарда инновацион фаолиятнинг масаларига кам эътибор берилган.

Уларга энг аввало:

- Янги замонавий техника ва технологияларни корхона иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш;
- Жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва уларни экспорт қилиш эвазига корхонага валюталарнинг кўпроқ келишини таъминлайди.

Қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил этиш учун асосан қуйидаги 3 талабни эътиборга олиши шарт. Авваламбор, хорижий сармоя иштирокидаги корхона низом жамғармасининг миқдори 150 минг АҚШ долларида кам бўлмаслиги керак. Бундай минимал қиймат сифатсиз маҳсулотларнинг олди-сотдиси ва уларни Республикага импорт қилиш ишлари билан шугʻулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишини олдини олиш мақсадида белгиланган. Шунингдек, корхона таъсисчиларидан бири хорижий шахс бўлиши ва корхона устав фондида хорижий инвестицияларнинг улуши 30 %дан кам бўлмаслиги керак.

Жаҳон тажрибасида қўшма корхоналарда инновацион фаолият ташкил этишда қаерда, ким билан шериклар улушининг ва қандай мақсадларни кўзда тутиб ташкил этишга кўра алоҳида гуруҳларга ажратилади. Бу ўринда қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни тавсифловчи ва туркумловчи 3та асосий шаклларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Улар:

1. Шериклар тузилиши. Бундай тузилишда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар хусусий капитал иштирокида (асосан, ривожланган мамлакатларда) фирмалар, корхоналар, ташкилотлар ва давлат ташкилотлари билан (асосан, ривожланаётган мамлакатлар) ҳамда миллий ташкилотларда билан ташкил этилади.
2. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом фондида шерикларнинг улуши. Корхона низом фондида шерикларнинг улуши тенг (пайчилик асосида) бўлиши, шу билан бирга хорижий инвестор хиссаси кўп ёки кам қисмини ташкил қилиши мумкин. Пайчилик асосида ташкил қилинган қўшма корхоналар иқтисодий нуқтаи назаридан корхона қуришнинг идеал шакли бўлиб тенг ҳуқуқли шерикчиликни таъминлайди. Шунинг билан бирга бундай корхоналарда бирор бир масалани ҳал қилиш учун оʻзига масъулият олувчи бошлиқнинг йўқлиги корхона ташкил қилишнинг салбий томонини кўрсатади. Хорижий инвесторни улуши кўп корхоналарда

фаолият устидан назоратни хорижий шерик таъминлайди. Аксинча ҳолатда, назорат маҳаллий шерик қўлига олади.

3. Илмий-тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб илмий-тадқиқот, янги маҳсулотлар яратиш, “ноу-ҳау” ва бошқалар. Бу корхоналарда маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиш, янги технология жорий қилиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини кўтариш. Янги маҳаллий бозорни ўрганиш (маркетинг)га мўлжалланган қўшма корхоналар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни моҳияти қисқа муддатларда ўз самарасини берадиган ва маҳсулот ишлаб чиқаришгага ихтисослашган шакли ҳисобланади. Бироқ, Республикада бундай корхоналар кам. Шунинг учун уларнинг сонини кўпайтириш давр тақозосидир.

Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодийётига энг янги жаҳон илмий-техникавий ютуқлари, технологиялари жуда зарур.

Улар миллий хўжалик субъектларининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларга, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради.

Шунингдек, иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузилмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инветиялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки улар тезда ўзини қоплаб юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олиш керак. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу инветия жараёнини жонлаштиришга турки бериши, кейинчалик эса инветициялашда афзал тармоқлар ва корхоналар ва корхоналар аҳамиятини ҳисобга олиб узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга эса бўлиши лозим.

Юқоридан келиб чиққан ҳолда тармоқлар учта асосий гуруҳи ажратилади ва уларни ҳар бирига мос бўлган инновацион фаолиятни

стратегиси аниқланади. Миллий иқтисодиётни ривожланаётган мамлакатларда капитал бозори етарли даражада шаклланмагани сабабли аҳоли маблағлари асосан хиссадорлик капитали бозорига жалб қилинади. Бу иқтисодиётни мумтазам ривожланиб боришига имкон беради ва инвестициялашда маблағлардан тўғри фойдаланиш юзага келади.

Шу боис инновацион фаолиятни молиялаштириш шарт-шариотларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ўстириш учун изланишлар олиб бориблиши зарур. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим;

- Асосий ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;
- Инвестиция жараёнини тартибга солишнинг мақбул механизмини танлаш;
- Ўз ресурсларини топиш ва капитал қўйилмаларини молиялаштириш манбаларининг оқилона нисбатини аниқлаш;
- Хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва лар маблағларини минтақа иқтисодиётига жалб этиш;
- Капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш;
- Кичик ва ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш ва хоказо.

Қўшма корхоналарга инновацион фаолиятни жалб қилишнинг турли шакллари, афзаллари ва камчиликларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаги инновацион фаолиятни ичида энг маъқули тўғридан-тўғри киритиладиган фаолиятилир. Зеро, бу менежернинг қабул қилувчи корхона хўжалигига узок муддат мобайнида манфаатли қизиқиш билан қарашидан далолат беради ва у айни пайтда ташқи қарзларга нисбатан анча фойдали хамдир.

Иқтисодиётда саноатдаги қўшма корхоналарни ўрганиш икки бирини тўлдирувчи йўналишларида олиб борилади. Биринчиси –бу тармоқлар йўналиши бўлиб унда кўпроқ соф иқтисодий масларга эътибор берилади. Бу ерда тармоқларнинг тахлили уларнинг ҳудудий ташкил этилишини ёритилиши билан уйғунлаштирилади.

Шу билан бирга тизим-таркиб усулининг ҳам ҳудудларда инвестиция маконини ўрганишда ўрни юқори. Масалан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудий таркибини қуйидаги кўрсаткичлар асосида таҳлил этиш, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиши ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин. Чунончи ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш даражаси таҳлили, ялпи ички маҳсулоти жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми, ўртача иш ҳақи миқдори, жон бошига сарфланаётган капитал, ҳудудда жойлашган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар сони каби кўрмхсаткичларни аниқлашга ёрдам беради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришда қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни кўпроқ жалб қилиш, айниқса етакчи тармоқларда кенгайтириш ва асосда иқтисодиётга таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари белгилаб олиш жуда муҳимдир.

Маълумки таҳлили шуни кўрсатадики Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган қўшма корхоналар таркибида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятлардаги қўшма корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш экспорт-импорт оммаларига кўра алоҳида ўринга эга. Мазкур вилоятлар мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг деярли 70 фоизини беради, шу жумладан Тошкент вилояти 14.1 фоиз, Тошкент шаҳри 14.8, Фарғона 11.1 ва Навоий 10.5 фоиз ҳиссага эга. Қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми бўйича Тошкент шаҳри 41.0 фоиз, Андижон 25.2, Тошкент вилояти 9.7, Навоий вилояти 8.9 фоиз кўрсаткичларга эга бўлса, Самарқанд 4.0 ва Фарғона вилоятида у 5.0 фоизга эга тенг. Ушбу кўрсаткич Наманган вилоятида 2.7 фоизни ташкил этади.

Мамлакат қўшма корхоналари экспорт-импорт фаолиятининг асосий қисми ҳам айнан шу вилоятлар хиссасига тўғри келади. Бугунги кунда иқтисодиёт ўсишини жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин қўпайтириш муҳим ҳисобланади. Инвестиция шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ошириш учун ихланишларни олиб бориш зарур. Бунинг учун инвестиция макони ҳолатини тартибга солишнинг мақбул илмий асосланган механизминини танлаш керак. Шуинг билан бирга хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини минтақа иқтисодиётига жалб этиш лозим.

Ўзбекистонда инвестиция маконининг шаклланишига республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликларида ташкил этилган қўшма корхоналарни кўрсатиш мумкин. 2007 йил маълумотларига кўра, республикада 3500 дан ортиқ қўшма корхона бўлиб, улардан фаолият кўрсатаётганлари 2009 йилда 2412 тани ташкил этади. Ушбу қўшма корхоналар ҳудудлар бўйича турлича жойлашган.

1.1.1.-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналарнинг ҳудудий таркиби таркиби (2008-2010 йиллар)

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Т/Р	Вилоятлар	Шу жумладан		
		2008		2010
		Фаолият кўрсатаётган	Фаолият кўрсатаётган	Фаолият кўрсатаётган
1	Қорақалпоғистон Республикаси	45	34	38
2	Андижон	108	95	79
3	Бухоро	59	51	55
4	Жиззах	34	23	26
5	Навоий	39	35	47

6	Наманган	73	58	56
7	Самарқанд	138	115	120
8	Сирдарё	44	35	40
9	Сурхондарё	39	34	41
10	Тошкент	209	162	165
11	Фарғона	89	73	77
12	Хоразм	37	29	27
13	Қашқадарё	49	42	44
14	Тошкент шаҳри	2576	1423	1597
	Жами:	3539	2209	2412

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Республикадаги қўшма корхоналарнинг асосий қисми Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида мужассамлашган. Шунингдек, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳам бирмунча юқори кўрсаткичларга эга. Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Хоразм вилоятларида эса аксинча қўшма корхоналар сони жуда оз.

Вилоятидаги қўшма корхоналарнинг ташкил этилишида Республика ҳудудий меҳнат тақсимоотидаги ихтисослашган даражаси катта ўрин тутди. Бинобарин, Тошкент электроникага, Андижон ва Самарқанд қўшма корхоналари автомобилсозликка, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги қўшма корхоналар енгил ва тўқимачилик саноатига, Навоий вилоятидаги қўшма корхоналар эса рангли металлургия саноатига ихтисослашганлигига кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатилаётган 2412 та қўшма корхоналарнинг 52 фоизи (1412) саноат тармоғида, 20.1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 4.2 фоизи транспорт ва алоқа 2.6 фоизи эса қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади. Мазкур қўшма корхоналарнинг 64 фоизига яқини Тошкент шаҳрида мужассамлашган бўлиб, саноат минтақалари бўлган Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятларида 20.2 фоизи жойлашган. Қишлоқ хўжалиги минтақалари бўлган Жиззах,

Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё, каби вилоятларда эса 5.5 фоизи қўшма корхоналар мавжуд холос.

Вилоятлар қўшма корхоналарнинг саноатидаги тармоқлари бўйича ўрганиш, барча ҳудудларда кўпроқ енгил ва озқ-овқат, тўқимачилик саноатидаги қўшма корхоналарни нисбатан ривожланганидан далолат беради. Шу билан, бирга айрим вилоятларда тоғ-кон, кимё, машинасозлик ва қурилиш материаллари саноатидаги қўшма корхоналари ҳам мавжуд. Чунончи, рангли металлургия тармоғида Навоий вилоятининг Мурунгов олтин қони Ўзбекистон-Америка “Зарафшон-Ньюмонт”, автомобилсозликка ихтисослашган қўшма корхоналар Андижон ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилди. Шу маънода кимё, машинасозлик ва металл қайта ишлаш соҳасидаги қўшма корхоналар Тошкент, Навоий, Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида барпо этилди. Италиянинг “Альма-роза” фирмаси билан Ўзбекистон иштирокида 1998 йили ташкил топган “Совпластитан” қўшма корхонаси ҳам ўз фаолияти билан Ўзбекистонда ўз ўрнига эга. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турли-туман бўлиб, корхона ўз маҳсулотларини Буюк Британия, Германия, Голландия, Испания, Польша каби ўнлаб мамлакатларга сотади. Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат стандартларига мос келади. “ЎзДЭУ авто”, “ЎзКейсМаш”, “СамКорАвто”, “ЎзБАТ”, “Дойре Кабел АГ Тошкент”, “Green World”, “Оқсарой тўқимачи LTD”, “Хобас Топо” каби қўшма корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ИСО 9001 стандартларга мослиги ҳақида сертификат олган.

Шуни таъкидлаш жоизки, енгил саноат ва айниқса тўқимачилик тармоқларидаги қўшма корхоналар деярли барча вилоятларга мансуб соҳа ҳисобланади. Уларнинг бундай тарқалиши асосан хом-ашё (пахта ва пилла толалари), етарли даражадаги ишчи кучи ва истеъмол омиллари билан изоҳланади. Аммо ушбу тармоқд ўзининг кенг географиясига қарамасдан, у кўпроқ Фарғона водийси вилоятларида жойлашган. Улар қаторига “Косонсой-Текмен”, “Папфен”, “Астнамтекстил”, “Чан-На-Текс”, “Антекс”

каби қўшма корханаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Тошкент Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги қўшма корханаларни кузатиш жоиз.

Айни вақтда озиқ-овқат саноати тармоқларидаги қўшма корханалар барча вилоятларда мавжуд. Зеро, боғдорчилик, узумчилик ва сабзаёт етиштириш негизида ва аҳоли талабининг ўсиб бориши таъсирида ушбу саноат тармоғи кўпгина вилоят ва туманларда ташкил этилган. Бу эса Республикада қулай инвестиция муҳитининг барпо этилаётганидан далолат беради.

Қўшма корханаларда инновацион фаолиятни шаклланишида ривожланаётган давлатлар манфаати мавжуд.

Улар қуйидагича:

- Янги ҳудудий бозорлар кашф этиш ва иқтисодиётга кириб бориш;
- Малакали меҳнат ресурсларига кам харажат сарф қилиб, юқори иқтисодий самара олиш;
- Жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини яратиш учун илмий изланиш ва янги технологиялардан фойдаланиш;

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий сармоядорларни жалб қилишда ўзига хос асосий стратегик мақсадлар кўзда тутилади. Чунончи, бунда хорижий замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш имконияти туғилади, ички жамғараларни қўшимча мабаалар билан тўлдирилади, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун хорижий бошқарув тажрибасидан фойдаланилади. Бундан ташқари хорижий давлатлар сармояларини кириши импортни қисқартириш ҳисобига валютани тежаш, асосан иайёр саноат маҳсулотлари ивазига экспортни кенгайтириш ва миллий иқтисодиётни мувозанатлаштиришга эришиш имкониятларини беради. Хар қандай хорижий сармоядор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир унинг учун қандай ва қанча иқтисодий-ижтимоий самара беришини таҳлил қилиб кўради. Агарда сармоядор ихтиёридаги бойлик иқтисодий самара бермаса, у ҳеж қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона очмайди. Бинобарин, хорижий

сармоядор учун шундай иқтисодий ва ҳуқуқий инновацион фаолиятни яратиш керакки, пировардида улар ҳам, мамлакат ҳам иқтисодий-иҷтимоий ва сиёсий самара олишлари керак бўлади.

Бевосита инновацион фаолият учун жаҳон иқтисодиётига ва учунинг асоси халқаро бизнесга катта таъсир кўрсатади. Юксак ривожланган, саноатлашган давлатлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бевосита инновацион фаолиятда мустаҳкам иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ва корхона устидан назорат ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида сармоя ҳамда ресурсларни трансчегаравий ҳаракати сифатида белгилайди. Норезидентлар ва хорижий резидентлар инвестор бўлиши мумкин.

Деярли ҳар бир давлат бевосита хорижий инвестициялар экспортчиси ва импортчиси бўлиши мумкин. Жаҳон иқтисодининг тан олинган етакчилари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Канада, Италия каби давлатлар импорти ва экспорти бўйича ўзига ҳос гуруҳни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда глобал тузилмада учта қутб мавжуд. Улар: АҚШ, Европа иттифоқи ҳамда Япониядан ташкил топган. Ушбу давлатларнинг улуши умумий инвестиция олиб чиқишнинг 4/5 қисмини ташкил этади. Бу уларнинг ташқи савдодаги солиштирма улушидан анча каттадир. Ўрганишлар шуни кўрсатадики АҚШ энг йирик сармоя импортчисига айланган. Европа иттифоқида интеграция даражасини айнан ички ҳудудий бевосита инвестициялар асосида ўсди, минтақанинг ўзи эса йирик сармоя экспортчиси ролини ўйнай бошлади. Японияда инвестиция олиб чиқишнинг юқори суръатлар билан ўсаётганлиги кузатилмоқда ва ташқи иқтисодий ҳажмга кўра жаҳонда ўзига ҳос ўринга эга.

Осиё давлатлари (япониядан ташқари) яқин йилларда бевосита хорижий инвестициялари жалб этиш ҳажмига кўра, Ғарбий Европадан ўзиб кетди. “Артур Андерсен” халқаро маслаҳат гуруҳининг маълумотларига кўра хорижга капитал қўйилмалар қилишда ишлаб чиқариш харажатларини

қисқартириш эмас, хорижий бозорларга киришни кенгайтириш энг истикболли рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

“Учлик” нинг ичида сармояларнинг жадал қўшилиши содир бўлмоқда, ўзаро савдо суръатлари ва ҳажми умумжаҳон курсаткичларига нисбатан тезроқ ошиб бормоқда. Меҳнат тақсимотига маҳаллий, минтақавий ва умумминтақавий даражаларидаги тартибга солиш механизмларига эга юқори қуввати барпо этилмоқда ва у бугунги кунда жаҳон хўжалик андозаларининг бутун тизимини белгилаб беради.

Халқаро сармоя ҳаракатида имтиёзли инвестициялар тартиби мавжуд бўлган давлатлар эмас, балки бозор жараёнлари фаол кечаётган, энг аввало жадал рақобат кураши бораётган давлат қўллаб қувватлаши асосида янги технологиялар ишлаб чиқариш, хусусийлаштириш амалга оширилаётган давлатлар асосий иштирокчига айланмоқда. Бундан ташқари жаҳон иқтисодиётида инвестициялар оқимиға ёрдам берувчи минтақавий иттифоқлар ва бирлашмалар борган сари рол ўйнамоқда. Булар умумий бозор давлатлари АҚШ, Канада ва Мексикадан иборат. Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси АСЕАН давлатлари (Малайзия, Индонезия, Сингапур, Тайланд, Баҳрайн ва б) жанубий конус умумий бозори (МЕРКОСУР) Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай киради.

Жаҳон хўжалигида бевосита хорижий инвестициялар соҳасида йирик инвесторларнинг истикболли режалари таҳлили улар фаол хорижий операцияларни режалаштираётганлигини кўрсатади. Бирок, бундан айрим фарқлар ҳам мавжуд. Масалан АҚШ фирмалари Ғарбий Европа бозорларига киришга интилмоқда. Айниқса юқори технология ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида Европа компаниялари асосий қўйилмаларни Америка бозорларига мўлжалламоқдалар. Япон инвесторларининг устувор мақсади эса Осиё ҳисобланади. Бир қанча нуфузли манбалар башоратларига кўра, ривожланган давлатларнинг янги қўйилмалари лотин Америкаси, Жанубий Шарқий, Ғарбий ва марказий Осиёнинг ривожланаётган давлатларига йўналтирилади. Демак, инвестиция маконининг

ривожланишига БХИ ларнинг роли нихоятда бекиёсдир. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестициялардан самарали фойдаланиш, миллий хўжаликларнинг рақобатчилик шароитида самарали фаолият юритишнинг гарови саналади.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция Департаменти тузилди. 1998-йили феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Хорижий инвестициялар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чоралари” ни белгиловчи махсус фармони эълон қилинди. Мазкур фармон Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини мувоффақитли тарзда амалга ошириш бозор сиёсатини жаҳон миқёсида сармоялар оқими тўғрисидаги кенг ахборотга эга бўлишини, уларнинг ҳажми ва сифат параметрлари устидан мунтазам мониторинги, жаҳон инвестиция маконида вужудга келган вазиятни етарли даражада бўлиши билан боғлиқдир.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2009-2010 Хорижий инвестициявий корхоналарининг минтақа экспортидаги улушлари ҳам турлича кўрсаткичларга эга.

1.1.2-жадвал

Қўшма корхоналар экспортининг ҳудудий тақиб

Т/Р	Вилоятлар	ҚКларнинг минтақа экспортидаги улуши %	
		2009	2010
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2.3	2.6
2	Андижон	62.8	82
3	Бухоро	11.9	8.4
4	Жиззах	3.1	3
5	Навоий	63.5	57.9
6	Наманган	24.4	27.8

7	Самарқанд	19	18.7
8	Сирдарё	6.7	4.4
9	Сурхондарё	5.4	1.4
10	Тошкент	27.4	15.1
11	Фарғона	47.5	55.4
12	Хоразм	10.4	6
13	Қашқадарё	8.7	7.6
14	Тошкент шаҳри	6.3	6.8
	Республика бўйича	15.2	16.2

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

Қўриниб турибдики, минтақалар Экспортида Андижон, Навоий Фарғона, Наманган, Самарқан ва Тошкент вилоятлари катта улушга эга. Навоий вилоятида олтинни казиб олиш, Андижон ва Самарқандда автомобил, Фарғонада нефтни қайта ишлаш, Тошкент вилоятида эса кимё саноати махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий салохиятлари юқори даражада. Бу борада хусусан корхоналарнинг иқтисодий салохиятлари юқори даражада. Бу борада хусусан Республикамиздаги саноат корхоналари тақибда “Зарафшон-Ньюмонт”, “ЎзДЕУавто”, “Қобул-Ўзбек-к”, “Совпластитал”, “ЎзКейсСервис”, “СамКочАвто”, “Аснамтекстил”, “Кока-кола ичимлиги ЛТД”, “Сингапур-Самарқанд”, “ЎзБАТ”, “DAEWOO TEXTIL COMPANY”, “Розтрейдинг ЛТД” каби йирик корхоналар ўзининг иқтисодий ижтимоий кўрсаткичлари билан алоҳида ажралиб туради. Экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқаришдаги ҳудудий номуносабликларга минтақаларга бозор инфраструктураси ривожланишидаги тафовутлар ва иқтисодиётнинг турли даражада ривожланганлиги таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Андижон, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги қўшма корхоналар ташқи савдо айланмаси бошқа вилоятларга нисбатан бир мунча юқори бўлган.

1.1.3-жадвал

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти
(2010й)**

Т/Р	Вилоятлар	Ишлаб чиқариш хажми (млрд. сўм)	Ташқи савдо айланмаси	
			2009	2010
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5.2	10.3	17.4
2	Андижон	504.0	346.1	527.3
3	Бухоро	33.2	22.7	25.5
4	Жиззах	4.4	2.6	3.3
5	Навоий	237	205.4	300.2
6	Наманган	53.2	31.8	41.2
7	Самарқанд	56.9	46.6	48.7
8	Сирдарё	8.6	5.8	24.5
9	Сурхондарё	14.2	10.6	5.9
10	Тошкент	205.5	121.3	145.1
11	Фарғона	135.5	106.3	100
12	Хоразм	22.3	6.1	16.6
13	Қашқадарё	40.8	19.5	19.6
14	Тошкент шаҳри	67.2	487.8	675.6
	жами	1958.4	1422.9	1950.9

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

Ўзбекистон Республикаси қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ҳозирги ҳолатда шаклланиши ва ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этган:

- Молиявий (кичик корхоналардан олинadиган маҳаллий бюджет дароматлари, аҳолининг банкларга маблағ қўйилмалари, ишловчиларининг ўртача ойлик маошлари);

- Иқтисодий (иқтисодий фаол аҳолининг сони, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати);
- Транспорт (қаттиқ қопламали автомобил йўллари узунлиги) ва бошқа инфраструктура шахобчалари билан таъминланганлиги;
- Тадбиркорлик (кичик ва ўрта корхоналар);
- Ҳуқуқий (иқтисодиётни ривожлантиришга оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар);
- Ижтимоий (аҳоли ва меҳнат ресурслари бандлик ҳолати);
- Сиёсий (сиёсат барқарорлик халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотларга аъзолиги).

Ушбу омиллар Ўзбекистон қўшма корхоналардаги инновацион фаолиятнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишига туртки беради.

1.2. Чет эл капитали иштирокида тузилган корхоналарнинг турлари ва уларга тавсифнома.

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда, янги иш ўринлари яратишда, давлат бюджетининг даромад қисмини солиқлар билан таъминлашда қўшма корхоналар муносиб ўрин эгаллайди. Шу сабабдан юртимизда хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарин барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаратилмоқда. Ҳозирги кунда қуйидаги иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича қуйидаги самарали фаолият юритилаётган қўшма корхоналарни мисол қилиб келтириш мумкин:

- Нефт газ-Lukoil, GazProm, CNPC (XXP), KOGAZ (Корея).
- Енгил саноат- Daewoo Textile, Wimm-Bill-Dann (7.3млн.\$ инвестиция).
- Озиқ-овқат саноати- Nestle, BAT, Baltics Beverages Gr. Coca-cola corp.
- Қурилиш материаллари- Knauf, Bentonit, Akfa plast.

- Автомобил саноати- GM Uzbekistan, Mercedes, Isuzu.
- Банк соҳаси-ABN Amro, UT, Savdogar bank, UzKDB va Saderat Iran.
- Таълим соҳаси- WIUT, Singapoore BS,ва бошқалар.
- Электротехника- Deutsche Kabel AG, LG, Roison Group.
- Телекоммуникация- МТС, Билайн (Вымпелком), Ucell/

Асосий инвесторлар- Россия, Корея, АҚШ, Буюк Британия, Туркия ва Германия, ЕИ ҳисобланади.

Чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида миллий иқтисодиётидаги бир қатор иқтисодий ижтимоий муаммолар ўзининг ечимини топади. Жумладан,

- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илғор технологиялар билан жихозлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини оширади.
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини такомиллаштириш ва уларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш;
- Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан иш бандлигини таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш ҳамда иқтисодий даромадларини кўпайтириш;
- Экспорт ҳажмини ошириш натижасида валюта тушумларини кўпайтириш;
- Энг асосийси эса бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини шакллантиришга эришилади.

Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун жорижий сармояларни жалб қилиш, нечоғлик катта хал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикаимиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимизда энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир.

1.3. Бугунги кунда мамлакатимизда қўшма корхоналарни ташкил этишда давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб қувватлашда бекиёс ишларни амалга оширилмоқда. Ватанимизда хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор ҳудудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборни тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришмасликка олиб келади.

Бу талабларни тўла қонли амалга ошириш учун эса хорижий сармоялар иштирокидаги сармоялар иштирокидаги корхоналардаги корхоналарга солиқ имтиёзларини жорий этишда қуйидаги масалалар алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз:

- Солиқ имтиёзларини самарали ишлашига акс таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
- Инвестицион фаолликни кучайтириш мақсадида берилаётган барча имтиёзларни бир пайтда тақдим этиш;
- қўшма корхоналарни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни фаолиятини чеклаб қўйишни ва рақобат муҳитини бузулишини олдини олиш;
- қўшма корхоналар ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таркибида маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланганлик даражасига қараб уларга солиқлардан маълум енгилликлар бериш;
- солиқ имтиёзларининг жорий этилиши бюджет даромадларига ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслиги лозим.

Бундай дейишимизга сабаб, айнан қўшма корхоналарга берилаётган имтиёзлар ивазига давлат бюджетининг даромадлар қисми катта ҳажмдаги

маблағдан куруқ қолади. Бунда имтиёзлар ивазига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш, қайта инвестиция қилиш ва фаолиятини ривожлантириш орқали келажакда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади. Шу сабабдан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини тугатиб, капитал (фойдасини) мамлакатларига олиб чиқиб кетишлари учун имтиёздан фойдаланиш муддати тугаганидан кейинги фаолиятини юритиш муддати камида 3 ёки 5 йил қилиб белгиланиши, акс холда эса солиқлар бўйича берилган барча имтиёзлар суммалари бюджетга ундирилиши лозим.

Инвестициялар йўналтирилган объектларига кўра 3-турда бўлиши мумкин.

1. Капитал инвестициялар-асосий воситаларни шакллантириш ва уларни такрор ишлаб чиқаришга шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга йўналтиришга инвестициялар киради.

2. Инвестицион инвестицияларнинг техника ва технологияларни янги замонавий шакллари ишлаб чиқариш ўзлаштириш ва уларни жорий қилиш билан боғлиқ инвестициялар киради.

3. Социал ёки ижтимоий инвестициялар-инвестицион салоҳиятини малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга ҳамда номоддий бойликларни бошқа шакллarning ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар киради. Инвестициялар фаолиятини амалга оширишни таъминловчи инвестиция ресурсларини тартибига қуйидагилар киради.

1. Пул, ва бошқа молиявий маблағлар жумладан: кредитлар орпайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар.

2. Асосий воситалар ва бошқа кўчмас мулклар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ва хоказолар.

3. Интеллектуал мулк объектлари жумладан: техникавий ҳужжатлар шаклида тузиладиган техникага, технологияга, тижоратга доир ва бошқа билимлар мажмуи у ёки бу турдаги махсулотни ишлаб чиқаришга ташкил

этиш билан боғлиқ бўлган билимлар, ишлаб чиқариш тажрибаси ва бошқалар.

4. Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бино иншоот ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи шунингдек мулк ҳуқуқида келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар ва хоказо.

5. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш шакллари.

Оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий меъёрдан фойдаланишга асосланиб инвестиц фаолиятини тартиблаш усуллари миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимларини уйғонлаштириш асосида амалга оширилиш талаб этилади, қуйидаги шаклларда амалга ошириш мумкин:

1. Юридик шахларни тузиш ёки устав капиталига хисса тариқасида қатнашиш ҳамда мол-мулк ёки акцияларни олиш.
2. Қимматли қоғозларни шу жумладан Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан эмиссия қилинган қарз ва мажбуриятларни олиш.
3. Концессиялар шу жумладан табиий русурсларни қидириш ишлаб чиқариш қазиб олиш ёки улардан фойдаланишда бўлган концессияларни олиш.

Мулк ҳуқуқини жумладан: улар жойлашган ер участкаларига, турар жойларига мулк ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш инвестицияларнинг ўзгариш уларни инвестиция сифатида даражасини ўзгартирмайди.

Инвестиция фаолиятини объектлари таркибига моддий ва номоддий ишлаб чиқариш объектлари киради жумладан;

- Миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий воситаларни шакиллантириш ва қайта жихозлаш ҳамда айланма маблағларни шакиллантириш
- Қимматли қоғозлар мақсадли пул қийматлари фан техника ютуқлари ва бошқа мулк объектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси экология санитария гегения ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

- Меъёрий талабига жавоб бермайдиган объектларга инвестициялар йўналтириш ман этилади.

Инвестиция фаолияти субъектлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари яни жисмоний юридик шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари хорижий давлатлар халқаро ташкилотлар чет эл юридик ва жисмоний шахслар фуқоролиги бўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқороларнинг ҳамкорлиги инвестиция фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар шунингдек шахслар шунингдек давлатлар ва ташкилотлар киради. Инвесторлар Республикадаги қонунчиликка мувофиқ буюртмачи кредитор сотиб олувчи бўлиши ёки инвестиция фаолияти иштирокчиси бўлиши мумкин.

Инвесторлар ва юридик шахслар инвестиция фаолияти объектига ўз маблағлари қарзга олинган маблағлар ва бошқа четдан жалб қилинган маблағларини йўналтиради ва уларни мақсадли ишлатилишини таъминлайди.

Жисмоний ва юридик шахслар буюртмачи сифатида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича бошқа инвестиция фаолияти иштирокчиларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашмасдан иш олиб боради.

Инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қонун билан белгиланган бир қатор ҳуқуқларга эга. Жумладан:

- мулкчилик шаклидан қатъий назар ёки фаолият туридан қатъий назар инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишга тенг ҳуқуқга эга. Инвесторлар қонун ҳужжатларида белгиланган инвестиция лойиҳаларини йўналтирилиши таъқиқланган объектлардан ташқари объектига инвестицияларни йўналтирилиши инвесторнинг мутлоқ ҳуқуқи ҳисобланади.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди.

- инвестор инвестициялари мақсади, йўналиши ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, бунинг учун инвестиция фаолиятини амалга оширишда инвестор шартнома асосида қойда тарзда тендер савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчиси сифатида жал қилиш ҳуқуқига эга, булардан инвестор инвестиция объектларига, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳамда реинвестиция қилиш ҳуқуқига эга. Инвесторнинг қарорига асосан инвестиция объектлари уларнинг натижалари эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш қонунчилик асосида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиш умукин. Ушбу муносабатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида бошқача бўртиб кўрсатилмаган бўлса инвестор ўзига зарур бўлган мол-мулкни юридик ва жисмоний шахслардан келишув асосида белгиланган баҳо ва шартлар ҳажми ва номенклатурасида чекланмаган ҳолда олиш ҳуқуқига эга инвестиция фаолиятини амалга оширишда инвестор қуйидаги мажбуриятлари ўз зиммасига иштирокчилар фаолият жараёнида бажариши лозим.
- қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган қоидалар ва меъёрлар ва стандартларга риоя этиш;
- Инвесторлар билан тузилган шартномаларни ўз вақтида бажариш;
- шартномани турли бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги инвесторларга этказилган зарарни қоплаш
- маҳаллий давлат ҳокимияти давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасидаги талабларни бажарилиши инвестиция фаолиятини иштирокчисини литсензиялаши лозим бўлган фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан литцензия олиши шарт.

Инвестиция фаолияти Республикада амал қилаётган қонунчиликга мувофиқ қуйидаги асосий манбаалар ҳисобидан молиялаштириши мумкин.

1. Инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари ҳамда ички хўжалик резервлари бу манбаалар таркибига устав капитал қўйилган капитал резерв капитали фойда амортизация ажратмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағлари, суғурта муассасалари томонидан табиий офатлардан қўрилган зарарларни қоплаш учун олинган маблағларлар ва хоказолар киради.
2. Инвесторнинг қарзга олган молиявий ресурслари. Бунга банклардан олинган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бошқа юридик шахслардан олинган қарз маблағлари киради.
3. Инвесторнинг жалб қилинган маблағлари. Бунга: акциялар, қимматли қоғозларни сотишдан қилган тушум, меҳнат жамоаси, жисмоний ва юридик шахслардан тушган пай ёки аъзолик бадаллари ва хоказолар.
4. Юқори ташкилот ёки уюшма корхоналари томонидан марказлаштирилган тартибга бериладиган маблағлар.
5. Республика ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ажратмалар.

6. Чет-эл инвестициялари

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш лозим.

1. Ўзини-ўзи молиялаштириш ёки ўзига қарашли молиявий ресурслар.
2. Акционерлаштириш усули
3. Кредитлаш усули
4. Лизинг усули

Инвестиция лойиҳаларининг дискотланган ўз харажатларини ўзи қоплаш усулида инвесторланган маблағлар ўзини-ўзи қоплашни таҳлил қилишнинг самарали ва оммалашган усулидир. Унга биноан ҳар бир йилга жорий пул тушумлари илгариги миқдорга қарата то кейинги

инвестицияларнинг дастлабки хажмига тенглаштирунча ёки ошиб кетмагунча хисоблаб чиқилади.

I.3. Қўшма корхоналарнинг ташкил эташнинг давлат томонидан рағбатлантириш

Бозор муносабатлари тизимида қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва ривожлантириш жараёни катор омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунинг учун иштимой-иқтисодий шарт-шароитларнинг аҳамияти ҳам катта. Чунончи, аҳоли ва меҳнат ресурслари транспорт ва бошқа инфраструктура тарқлари қўшма корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантиришга янада кучлироқ таъсир кўрсатади. Бу ва шунга ўхшаш шарт-шароитлар мамлакатнинг турли минтақаларида бир хил эмас. Бинобарин, вилоят қўшма корхоналарида инновацион фаолиятни тадқиқ этишда айнан шу жихатларга устувор аҳамият бермоқ зарур.

Мазкур ишда кўрилаяётган Наманган вилояти нафақат Ўзбекистонда балки бутун Марказий Осиё худудида такрорланмас табиий манзараларига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Вилоят Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, тузилган тўртбурчак шаклини эслатади: у ғарбдан шарққа 130км, шимолдан жанубга эса 35 км.дан 80 км гача чўзилган. Худуди 7.9 минг кв.км, бу жихатдан у Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятлари ўртасида олдинги ўринда туради. Шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шимолий ғарбда ва ғарбда Тошкент вилояти ва Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти, жануб шарқда Фарғона вилоятининг Қўқон гуруҳи районлари ҳамда Андижон вилояти билан чегараланади. Вилоят чегараларининг муҳим хусусиятларидар бири уларнинг аксарияти текисликлари орқали ўтишидир. Хатто қўшни

Республикалар, яъни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги чегаралар ҳам қулайдир. Уларни боғлаб турадиган транспорт йўллари шу сабабли иқтисодий жihatдан қаймдан яхши ўзлаштирилган ҳудудлар орқали ўтади. Умуман олганда, вилоятнинг иқтисодий ва геосиёсий ўрни унинг иқтисодий ижтимоий ривожланишига қулайлик яратади.

Вилоят қўшма корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг зарурлигини белгилар чи қуйидаги ижтимоий иқтисодий омилларни кўрсатиш мумкин:

- Бозор инфраструктураси;
- Аҳоли ва меҳнат ресурслари;
- Транспорт инфраструктураси

Бозор инфраструктураси тузумини яратиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Шунини алоҳи таъкидлаш керакки, Наманган вилоятида Республикада биринчилардан бўлиб 1998 йили 29 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 319-сонли “1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги” қабул қилинган қарори минтақада бозор инфраструктурасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Наманган вилояти замонавий компьютер техникаси тизими билан жиҳозланган қимматбаҳо қоғозлар бозори савдосини ташкил этувчи брокерлик идораларни Республика миллий депозитарияси, кўчмас мулклар биржаси, товар ҳам ашё фонд биржалари, инвестиция фондининг вилоят бўлинмаси, “Ўзбекинвест” экспорт импорт миллий суғурта компаниясининг вилоят бўлинмаси, Республикаси “Бизнес фонд”ининг вилоят бўлими, “Мадад суғурта агентликлари”, савдо саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари қабилар фаолият кўрсатишмоқда.

Бозор инфраструктурасининг муҳим бўғуми сармоя бозоридир. Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ

бозорнинг ишлашини таъминловчи тузилмалар, молия ва пул кредитини тартибга солувчи тизим яратилди. Айниқса, бозор инфраструктурасида банк тизимида алохидамавқега эга. Шу сабабдан вилоятда банк тизими тубдан ислох қилинди ва янги банк тизими яратилди.

“Марказий банк” тўғрисидаги банк ва банклар борасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиши билан Миллий банк тизимининг даражаси икки ҳуқуқий ва меъёрий мустаҳкамланиши амалга охирида этди. Хозирда Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкларининг вилоят бош бошқармаси, шунингдек, 13 та тижорат акционерлик банклари, Республика Агробанк ва Халқ банкларининг вилоят бошқармаси “Саноатқурулишбанк”, “Миддий”, “Ипотека”, “Микрокредитбанк”, “Савдогар”, “Турон”, “Алоқа”, “Асака” банкларининг вилоят бўлинмалари ҳамда акционерлик тижорат “Ипак йўли” банки фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда товар ва хом ашё бозорида хизмат қилувчи инфраструктуранинг турли бўғинлари ҳам ривожланиб келмоқда. Бу ерда мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхона ташкил этилган. 2009 йил маълумотларига кўра, вилоятда 194 та хиссадорлик жамиятлари, 6677 та кичик ва хусусий корхоналар, 6770 та деҳқон фермер хўжаликлари, 75 та кўшма корхона ҳамда 3000 мингдан ортиқ бошқа корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлари 40.5 фоизи хусусий корхоналар, 19.9 фоизи фермер хўжаликлари, 3.5 фоизи хиссадорлик жамиятлари ва 23.6 фоизи бошқа мулк шаклидаги корхоналарга тегишлидир.

Савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлик уюшмалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қуватлаш, бозор инфраструктураси яхлит тизими ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилишда таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, хозирда вилоятнинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларнинг барчасини фаолияти бозор инфраструктурасининг шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Қўшма корхоналарни ва ривожланиши энг аввало худуднинг урбонизация даражаси ва шаҳарлар даражасини топади. Айнан шу томондан ёндошганда Наманган вилоятининг урбонизация кўрсаткичи Республика даражасига деярли мос тушади. 2008 йил маълумотларига кўра, Наманган вилояти шаҳар жойларида унинг 37.4 фоиз аҳолиси яшаса, мамлакатда бу кўрсаткич 37.8 фоизга тенг. Вилоятда ҳозирда 8 та шаҳар ва 11 та шаҳар тупидаги посёлка ёки шаҳарча мавжуд. Наманган вилояти шаҳарлари таркибида 1990-2009 йилларда жиддий ўзгартиришлар юз бермаган. Айнан шу даврда энг кичик шаҳарлар 1 тага, 20-50 минглик гуруҳ 4 тадан 6 тага кўпайган.

Наманган вилояти шаҳар манзилгохлари орасидаги шаҳарчалар кўпчиликти ташкил этади. Жумладан, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида ҳам иккитадан шаҳарча мавжуд. Вилоят шаҳар жойларидан Жомашуй, Уйчи, Янгиқўрғон, Тошбулоқ кабилар туман маркази вазифасини бажарадилар. Ушбу ҳолат айнан шу худудларда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун қулай инвестиц мақонининг мавжудлигидан далолат беради.

Қўшма корхоналарни жойлашидан ва ривожланишига таъсир этувчи омиллардан яна бири транспорт инфраструктурасидир. Транспорт инфраструктурасининг ривожланишида темир, автомобил ва ҳаво йўллари транспорти муҳим аҳамиятга эга. Наманган вилоятида темир йўлларнинг умумий узунлиги 138 км; шуниндек, асосий темир йўли билан саноат корхоналарини боғловчи темир йўллар ҳам мавжуд. Вилоят худудида Ровустон, Оқтош, Чуст, Поп, Учқўрғон, Чортоқ ва Ҳаққулободда йирик юк ортиш ва тушуриш станциялари мавжуд. Айнан шу йўлларда ҳам қўшма корхоналар қуриш мумкин.

Шаҳарлар ва транспорт тизимининг биргаликда жойлашуви минтақа инвестицион мақоннинг асосий таянчлари бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Наманган, Учқўрғон, Ҳаққулобод шаҳарлари Наманган саноат тугуни ва агломерациясини ҳосил қилади.

Вилоятда хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналарни худудий ташкил қилишда Ангрен-Поп автомобил йўлининг кенгайтирилиши халқаро ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириши катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида водийнинг транспорт маҳкеи тубдан ўзгаради ва қадимгидек шарқ томонга ҳам йўл “очилади”. Бу эса қўшма корхоналарнинг янада турланиши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллашишига имконият яратади. Шу билан бирга вилоятдаги қўшма корхоналарни малакали ишчи кадрлар билан таъминлашда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юр்தларини ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Хозирда вилоятда 64 та коллежлар бўлиб уларда 58.5 минг ўқувчи бор. Мазкур касб хунар коллежлари иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалигини, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилган бўлиб, қўшма корхоналарни малакали кадрлар билан таъминлашни асоси бўлиб, хизмат қилади. Айна вақтда вилоятда учта олий ўқув юр்தлари бўлиб, уларда талабаларнинг умумий сони 10 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Бу эса қўшма корхоналарни малакали мутахисислар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Демак Наманган вилоятининг Табиий шароити ва қазилма бойлик ресурсларининг қўшма корхоналарни жойлаштириш нуқтаи назаридан “Қониқарли” ресурслари билан таъминланганлигини “юқори” транспорт инфраструктурасини ўрта ва иқтисодий ўрнини “яхши” даражада баҳолаш мумкин “ўрта” ва иқтисодий ўрнини “яхши” даражада баҳолаш мумкин. Бу кўрсаткичлар минтақа (вилоят) инвестиция маконини умумий ҳолатини белгилайди.

II.Боб. Қўшма корхоналарнинг мамлакат иқтиодиётининг ривожланишидаги ўрнини тахлили

II.1. Корхоналарнинг техник иқтисодий фаоляти тахлили

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар мол мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг тахлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса балансга қараб корхона мол-мулкини ва бойлигини таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш имконият меёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда корхона маблағларига асосан воситалар ва оборотлардан ташқари активлар материал (меъёрлаштирилган) айланма пул маблағлари киради. Уларни миқдори ҳиссадорлик ҳамкорлик кичик ва бошқа корхоналарнинг катта кичиклигига ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир. Биринчи жадвалда корхона мулкининг ҳажми ва таркиби киритилган. Уни тузишда маълумотлардан фойдаланиб соф ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолатини ўрганади. Келтирилган маълумотлар баланснинг ҳажми суммасига тенг бўлади. Иммобилизация қилинган асосий воситалар ва оборотдан ташқар активлар биринчи бўлимга айланма маблағлар эса иккинчи ва учинчи бўлимга тенг бўлади. Корхонанинг ўзига тегишли маблағлар манбалари қанчалик етарли бўлса шунчалик мол-мулкка ўзи эгалик қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар мулкини тартибини ўрганишда ва уни кўпайтиришда хўжалик фаолияти тахлили муҳим ўрин тутди.

2.1.1.-жадвал

Мулкнинг таркиби ва унинг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Йил бошидан		Йил охирида		Фарқи	
	минг сўм	фоиз	минг сўм	фоиз	Минг сўм	фоиз
1. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар (қолдиқ бахоси)	1780	38.1	1690	36.5	-90	-1.6
2. Айланма маблағ	2890	61.9	2935	63.5	+45	+1.6
а) захиралар ва харажат	1480	31.7	1345	29.1	-135	-2.6
б) пул маблағлар хисоблашишлар ва бошқа актив	1414	30.2	159	34.4	+180	+4.2
Жампи мулк:	4670	100	4625	100	-45	

Жадвалдан кўринадики корхона мулкининг йил охирида 36.5 фоизи асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар ташкил қилган. Қолган 63.5 фоизи эса айланма маблағлар, шундан 29.8 фоизи захиралар ва харажатлар 34.4 фоизи пул маблағларидан иборат. Лекин йил охирида кўрсаткичлар ўткан йилга нисбатан 45 минг сўмга камайишини ижобий хал деб бўлмайди. Шунингдек, асосий воситалар, захиралар ва харажатларнинг 90 ва 135 минг сумга камайиши бир меъёрда иш юритишга салбий таъсир этиши мумкин.

Пул маблағларининг 180 минг сўмга ёки 4.2 фоизга кўпайиши ва умумий корхона мулкининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил қилиши

Ўлчов қобилятининг яхшиланганини кўрсатади. Корхона мулкии ўрганиш учун асосий воситалар ва оборотдан ташқари актлар айланма маблағлар таркибини ҳар томонлама таҳлил қилиш лозим. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар йил бошидан 1780 минг сўм бўлса йил охирига келиб, 1690 минг сумга тушди. Ёки 90 минг сўмга камайди. Шундан 790 минг сўмни қолдиқ боҳодаги асосий воситалар ташкил қилади. Номатериаллар активлар 150 минг сўм капитал сарф ва аванслар 300 минг сўм узоқ муддатли капитал қўйилмалар, 300 минг сўм ва бойликлар учун ҳисоблашишлар 150 минг сўмдан иборат. Юқорида кўрсатилганидек асосий воситалар 20 минг сўм, номатериал активлар 30 минг сўм ва капитал сарфлар 40 минг сўм кўпайди. Корхона маблағидан 600 минг сўм капитал сарфлар ва узоқ муддатга мўлжалланган қийматлар ташкил қилиш маблағлар айланиши ва айниқса мулкнинг тез пул келтиришини секинлаштиради.

Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларида бири корхона мулки, захиралар ва мулки ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни хом ашё ва материаллар сотиб олиган ярим фабрикантлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб ускуналар эҳтиёт қисмлар парвариш ва боқувдаги чорво моллар, уруғ ва ем хашак арзон боҳоли тез эскирувчи қиради. Улар корхонанинг бир меъёрга ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек, захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланган ишлаб чиқариш келуси давр чиқимлар тайёр маҳсулот ва булар ҳам қиради. Тугалланган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим. Балансининг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиётида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат.

1. Ўзига қарашли манбалар.
2. Кредитлар ва бошқа қарзларга олинган манбаалар.

Хисобланишлар ва бошқа пасивлар бундан энг мухим ўрини корхоналарга ўзига қарашли устав жамғармаси молиялаштириш фондлари, амортизация ва таъмирлаш фондлари ҳамда бошқа манбаалар эгаллайди. Бўлинмас жамғарма фонд корхона ихтиёридаги доим беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. Турли хужжатлар муомалалари таъсирида ўзгариб туради. Бунга фойданинг тақсимлаши сабабига тўлдирилиш хомийларининг аъзолик бадаллари асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Маблағларни кўпайтириш манбаларнинг кўпайтириш таркибига фойда алоҳида ўринини эгаллайди, фойда ҳажмини кўпайтиришга энг аввало низом ҳажмини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёж жамғармаларини олиб келади. Амортизация ва бошқа фондларнинг ташкил бўлиши ҳам бозор шароатида мазмунан ўзгармоқда 1991 йилдан амортизация ҳисоблашда тезлаштирилган меъёрлар (актив турдаги машиналар қурилмалар транспорт ва бошқа воситалар бўйича) қўлланиши ва турли тиклаш қисми бўйича амортизация ҳисоблаш асосий воситаларнинг баланд қийматини махсулотлар ҳам нархига ўтказиб бўлгунга қадар бажариш каби янгиликлар жори этилади.

Кредит ва бошқа қарзлар маблағларга қисқа ўрта узоқ муддатга мўлжалланиб олинган кредитлар ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек, кредитлар билан ҳисоблашишларини ва бошқа пасивлар ҳам шу ерда инобатга олинади. Бунда кредитлик қарзларидан ташқари бюджетлар суғурта ва меҳнат юзасидан корхоналарнинг қарзлари кўрсатади.

Бозор иқтисодиётида қонуниятлари ва талабидан ёқлаб чиққан ҳолда корхонада қарз ҳам бўлгани маъқул. 3 жадвалда корхона маблағларининг манбаларга кўрсатилган:

2.1.2. жадвал

Корхонага қарашли ва қарзга олинган манбалар

Кўрсаткичлар	Йил бошидан	Йил охирида	Фарқи
--------------	-------------	-------------	-------

	минг сўм	фоиз	минг сўм	минг сўм	фоиз	минг сўм
1. Хамма маблағлар шу жумладан:	4670	100	625	100	45	X
2. Корхонанинг ўзига тегишли манбалар а) ўзига шундан; қарашли айланма маблағлар манбаи (2170+520-1780) йил бошида 910 (2125+650-1690) йил охирида 1085	2170	46.5	2125	45.9	-45	-0.6
3. Қарз маблағлар шундан:	910	19.5	1085	23.5	+175	+4.0
а) узоқ муддатли қарз	2500	53.5	2500	54.1	-	+0.6
б) қисқа муддатли қарз						
в) кредитлик қарзлар	620	13.3	690	14.9	+70	+1.6
	1130	24.2	910	19.7	-220	-4.5
	750	16.0	900	19.5	+150	+3.5

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики йил бошида корхонада мулкнинг 46.5 фоиз бўлиб 0.6 фоиз камайиб 45 минг сўмга камайди қарз маблағлари жами ўзгармаган бўлса ҳам умумий маблағлари таркибидаги улуши +0.6 фоиз ортди айниқса кредитор қарзларни +150 минг сўмга кўпайган корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

II.2. Қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт салоҳиятини ошириш истиқболлари

Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналар 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоят чет эл инвестицияси иштирокидаги 63 та корхона рўйхатга олинган бўлиб шулардан 57 таси ёки 90.5 фоизини фаолият кўрсатиб келмоқда.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолиятининг ҳолати куйидагича ифодаланади.

2.2.1.-жадвал

	Корхоналар сони	Умумий фоиз
Жами рўйхатга олинган корхоналар	63	
Шундан	57	90.5
Фаолият кўрсатаётган корхоналар		
Шу жумладан тармоқлар бўйича		
- саноат	50	79.4
Шу жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи	17	1.6
- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1	3.2

- транспорт ва алоқа	2	
- қурилиш	1	1.6
- савдо ва умумий овқатланиш	2	3.2
- соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	1	1.6
- тайёрлов ва моддий-техника таъминот		
- фан ва илмий хизмат кўрсатиш, маданият ва санъат		
- бошқалар		
Фаолият кўрсатаётган корхоналар	6	9.5

Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган корхоналар сони 63 тани ташкил этган. Шундан фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 57 тани ташкил қилади. Тармоқлар бўйича саноат корхоналари эса 50та, истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 17тани ташкил этган. Умумий фоизи 1.6 ни кўрсатаяпти.

2.2.3-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг экспорт хажми

(минг АҚШ доллари)

	Январ-декабр 2009 йил	Январ-декабр 2010 йил	2009 йилги нисбатан фоиз хисобида
Вилоятлар	20437,42	50508,2	247,1
Бўйича			

Туманлар			
Наманган ш	7626,7	22789,4	298,8
Минбулок	0,0	0,0	0,0
Косонсой	307	543,6	177,1
Наманган	5391,916	17775,8	329,7
Норин	0,0	0,0	0,0
Поп	5799,5	6719,5	115,9
Тўракўрғон	0,0	148,3	0,0
Уйчи	73,3	474,2	646,9
Учкўрғон	0,0	0,0	0,0
Чортоқ	26,5	0,0	0,0
Чуст	1212,5	2057,4	169,7
Янгиқўрғон	0,0	0,0	0,0

Изох: Юқоридаги кўрсаткичлар божхона статистикаси маълумотларига асосланган холда тайёрланган.

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг экспорт хажми вилоят бўйича 2009 йилда 20437.42 минг АҚШ доллари 2010 йилда 50508.2 минг АҚШ доллари яъни 247.1 фоиз натижага эга бўлган. Наманган шаҳри 2009 йилда 7626.7, 2010 йилда 22789.4 минг АҚШ доллорияъни, яъни 298.8 фоиз натижага эга бўлган. Косонсой тумани 2009 йилда 307 минг АҚШ долларига 2010 йилда 543.6 минг АҚШ долларга яъни 177.1 фоиз натижага эга бўлган. Поп тумани 2009 йилда 5799.5 минг АҚШ доллари 2010 йилда 6719.5 минг

АҚШ доллари 115.9 фоиз натижага эга бўлган. Тўрақўрғон тумани 2009 йилда 0.0 минг АҚШ доллари 2010 йилда 148.3 минг долларни ташкил этган бўлиб 0.0 фоиз натижага эга бўлган. Чуст тумани 2009 йилда 1212.5, 2010 йилда эса 2057.4 минг АҚШ доллари 169.7 фоиз натижа берган.

Энди эса республикамызда хорижий инвестициявий корхоналарни фаолиятини куриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шаклларига ўтишни талаб этади. Бугунги кунда хўжалик юритишнинг аралаш мулк шаклига хос бўлган хорижий инвестицияли корхоналар ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиёт соҳаларида эришилаётган ижобий ўзгаришлар хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестицияли корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши инвестиция сиёсатининг асосини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Хорижий инвесторлар иштирокидаги манфаатдор томонлар ўзларига қарашли бўлган ресурслардан биргаликда фойдаланиш учун улар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этмоқда. Ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ҳамда чет эл фуқаролари бундай корхоналарнинг таъсисчилари бўлиши мумкин. Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари турли-туман бўлиб, уларни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиш мумкин. (2.2.4-жадвал)

2.2.4-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари ¹

	Инвестиция мухитининг устунликларидан фойдаланиш
--	---

¹ Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. -Т.: "IQTISOD - MOLIYA", 2006. 62 бет.

Ички сабаблар	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш
	Шартнома харажатларини камайтириш
Ташқи сабаблар	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаши
	Миллий ҳукумат талаблари
	Самарали рақобатни вужудга келтириш
Стратегик сабаблар	Мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари таркибида хорижий инвестицияли корхоналар улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4443 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони 561 тани ташкил этди.

Албатта хорижий инвестицияли корхоналар орасида фаолият юритмаётганлари ҳам бор, лекин фаол ишлаб турган корхоналар сонининг тобора ошиб бориши ижобий кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётига қизиқиши ортаётганидан ва умумий бизнес юритиш муҳити яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Хорижий инвестицияли корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқод Бунинг амалий ифодасини хорижий инвестицияли корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати аста-секин ошиб бораётганида кузатиш

мумкин. Ушбу кўрсаткич 1996 - 2000 йилларда ўртача 8,8% ни ташкил этган бўлса, 2004 - 2005 йилларда 16,0% дан ошди, 2007 йил натижалари бўйича эса 20,5% га етди (-жадвал).

2.2.5-жадвал

**Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг асосий
кўрсаткичлари²**

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Фаолият юритаётган корхоналар сони, бирликда	1795	1958	2087	2209	2412	2627	2919	3579
Ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар хажми), млрд. сўм	386.7	610.2	1044.2	1437.2	1958.4	2523.9	3849.8	5786.3
Ишчиларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	91.1	90.4	94.0	97.8	105.4	111.3	126.5	149.5

² Ўзбекистан Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, млрд. сўм	24.7	44.3	63.9	86.3	109.5	139.1	208.2	338.9
--	------	------	------	------	-------	-------	-------	-------

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Хорижий инвестицияли корхоналарда 2010 йилда 149,5 минг киши иш билан банд бўлган. Бу республикада саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида (кишлоқ хўжалигидан ташқари) иш билан банд бўлганларнинг 1,7% ини ташкил этади. Саноат, савдо ва транспорт ҳамда алоқа соҳаларида хорижий инвестицияли корхоналарда банд бўлганларнинг улуши нисбатан юқори бўлиб қолмоқда. Хусусан, уяли ва халқаро алоқа соҳаларида қўшма корхоналар сони бир мунча юқори бўлганлиги сабабли, бу ерда хорижий инвестицияли корхоналар алоқа тармоқларида банд бўлганларнинг 17,5% ини иш билан таъминлаган.

Хорижий инвестицияли корхоналар ишчиларининг ойлик маоши маҳаллий корхоналардаги ўртача маошдан анча юқоридир.

2007 йил якуни бўйича ушбу корхоналарда ўртача иш ҳақининг республикадаги ўртача иш ҳақи даражасига нисбати 144% ни ташкил қилди. Бундай ҳолат хорижий инвестицияли корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилигидан далолат беради.

Ишлаб **чиқариш** ҳажмига кўра саноат тармоқлари улушига хорижий инвестицияли корхоналар маҳсулотининг қарийб 80% и тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган хорижий инвестицияли корхоналарнинг энг юқори улуши саноат тармоғига тўғри келади.

2008 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналарнинг 48,8 % и саноат тармоғида фаолият юритган (-жадвал).

Сўнгги 10 йил мобайнида машинасозлик соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажми хорижий инвестицияли корхоналарнинг умумий маҳсулотида 31% дан 39% га кўтарилди. Бунинг боиси шундан иборатки, республикада автомобилсозлик ва унга алоқадор тармоқлар жадал суръатларда ривожланиб

бормокда. Асакадаги автомобил заводи томонидан ишлаб чиқарилаётган энгил машиналар сони йилдан-йилга ўсиб, 2009 йил натижалари бўйича жами 215 мингдан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилди. 2007 йил октябрда Ўзбекистон ҳукумати ва АҚШнинг йирик компанияси «Женерал Моторз» ўртасида битим имзоланиб, унга кўра «GM Ўзбекистон» корхонаси ташкил этилди. Ушбу кўшма корхонанинг ташкил этилиши республикада ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг янги турларини жорий этиш, сифатини таъминлаш ва уларни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтириб, ушбу завод билан узвий ҳамкорликда фаолият юритаётган бошқа бутловчи қисмлар етказиб берувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳам «Женерал Моторз»нинг глобал масштабдаги маркетинг тизимига боғлаш имконини яратади.

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятига хос бўлган яна бир жиҳат шундан иборатки, улар фаол равишда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиб келишмоқда. Ушбу корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 2000 йилда 1,2 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич ҳажми 7,8 млрд. долларгача ёки 6,5 маргача ортган. Хорижий инвестицияли корхоналар таркибида

2.2.6-жадвал

**Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли
корхоналарнинг тармоқ таркиби (жамига нисбаган % ҳисобида)³**

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0	100. 0
шундан:										
Саноат	50.1	53.5	55.9	59.2	58.5	56.6	53.8	48.8	50.4	46.7

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Қишлоқ хўжалиги	1.6	1.8	2.3	2.5	2.6	2.4	2.3	2.2	2.1	1.9
Транспор т ва алоқа	4.9	4.4	4.2	4.3	4.2	4.4	4.2	4.4	5.0	3.8
Қурилиш	4.3	3.8	3.7	3.5	4.0	4.4	4.8	5.5	4.4	5.7
Бошқалар	39.1	36.5	34.0	30.6	30.6	32.2	34.9	39.0	38.1	41.9

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

хизмат кўрсатиш, савдо ва ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг кўплиги туфайли, ушбу корхоналарнинг ташқи савдо қолдиғида мунтазам салбий натижа кузатилмоқда. Жумладан, 2010 йилда ушбу корхоналарнинг экспорт-импорт операциялари балансининг салбий қолдиғи 1,0 млрд. Долларни ташкил этди. Бу ҳолат, аксарият хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг кўпроқ қисми ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади (-жадвал).

2.2.7-жадвал

**Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи савдо фаолияти
кўрсаткичлари, млрд. долл⁴**

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси	1.2	1.4	1.2	1.4	2.0	2.4	3.0	5.2	6.2	7.8
Экспорт	0.5	0.4	0.4	0.6	0.8	0.8	1.1	2.1	2.9	3.4
Импорт	0.7	1.4	0.8	0.8	1.2	1.6	1.9	3.1	3.3	4.4
Ташқи савдо қолдиғи	-0.2	-1.0	-0.4	-0.2	-0.4	-0.8	-0.8	-1.0	-0.4	-1.0

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

⁴ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. — Т.: «Nur poligraf» МЧЖ, 2009; Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. - Т., 2009; маълумотлари асосида ҳисобланган.


Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи савдо курсат-кичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга. Ушбу корхоналар экспорти республика экспортининг умумий ҳажмида 2001 йилда ўртача 13,8% дан 2010 йилда 28,8% гача ортган. Мазкур корхоналар томонидан 2009 йилда 3,4 млрд. доллар миқдорида Экспорт, 4,4 млрд. доллар миқдорида импорт операциялари амал-га оширилган. Ушбу рақамлар хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг кенгайиши, улар томонидан амалга оширилаётган маҳсулот ва хизматлар экспорта ҳажмининг ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг инвестор-мамлакатлар бўйича таркибида етакчи ўринни Россия, Туркия, АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Эрон, Швейцария каби мамлакатлар эгаллашган (9.3.1-расм). Жумладан, 2000 - 2007 йилларда Россиянинг улуши 17% дан 18% га, Корея Республикасининг улуши 5% дан 8% га, Хитойнинг улуши 3% дан 5% га қадар ортган.

Таҳдидлар кўрсатишича, хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар бўй берган (9.3.5-жадвал). Жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркибида машина ва асбоб-ускуналар улуши 2000 йилда 16,0% ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2007 йилга келиб 40,0% га тенг бўлган. Шунингдек, таҳдид этилаётган даврда кимё маҳсулотларининг улуши 1,5% дан 2,5% гача, энергия ташувчилар улуши 3,7% дан 27,3% гача, қора ва рангли металллар улуши 0,3% дан 1,6% гача, хизматлар улуши 3,9% дан 4,4% гача ортган.

**1-расм. Инвестор мамлакатлар бўйича хорижий инвестицияли
корхоналарнинг тақсимланиши
(жамига нисбатан фоизда)⁵**

⁵ Ўша манба



Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2.2.8-жадвал

**Хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркиби,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида⁶**

Йиллар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	4.8	2.4	1.0	3.3	2.9	1.4	4.7	3.5
Озиқ-овқатлар	7.4	4.4	4.1	4.2	3.9	4.5	4.0	3.0
Кимё маҳсулотлари	1.5	2.6	2.1	2.3	2.6	4.2	1.5	2.5
Энергия ташувчилар	3.7	4.7	2.9	3.3	3.6	3.6	2.7	27.3
Қора ва рангли металлар	0.3	0.2	0.5	0.8	0.7	1.2	2.8	1.6
Машина ва ускуналар	16.0	21.1	16.5	19.4	28.4	43.3	51.9	40.0
Хизматлар	3.9	4.4	3.8	4.4	5.0	4.9	5.3	4.4
Бошқалар	62.4	60.2	69.1	62.3	53.5	37.3	27.1	17.7

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шу билан бирга, бу даврда пахта толаси (4,8% дан 3,5% гача), озиқ-овқатлар (7,4% дан 3,0% гача) ва бошқа товарларнинг (62,4% дан 17,7% гача) экспорт таркибидаги улуши қисқарган.

Таҳлил этилаётган даврда хорижий инвестицияли корхоналар импортнинг товар таркибида ҳам жиддий жараёнлар содир бўлганлигини кузатиш мумкин (-жадвал). Жумладан, ушбу таркибда пахта толаси (12,9% дан 8,6% гача), озиқ-овқатлар (20,5% дан 13,5% гача), кимё маҳсулотлари (0,8% дан 0,3% гача) ва хизматлар (12,2% дан 7,5% гача) улуши қисқаргани ҳолда, энергия ташувчилар (5,1% дан 8,7% гача), қора ва рангли металллар (47,4% дан 57,6% гача) ҳамда машина ва ускуналар (1,1% дан 3,8% гача) улуши ортиб борган.

2.2.9-жадвал

**Хорижий инвестицияли корхоналар импортнинг товар таркиби,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида⁷**

Йиллар	2001 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	12.9	8.8	15.0	15.1	12.0	9.8	12.3	8.6
Озиқ-овқатлар	20.5	13.3	13.2	12.4	13.9	12.8	14.1	13.5
Кимё маҳсулотлари	0.8	0.6	0.6	0.4	0.6	0.4	0.2	0.3
Энергия ташувчилар	5.1	5.9	4.4	5.4	6.0	8.9	6.4	8.7
Қора ва рангли металлар	47.4	62.5	57.5	55.4	56.3	56.3	57.1	57.6
Машина ва ускуналар	1.1	1.0	1.1	2.8	4.5	4.9	3.5	3.8
Хизматлар	12.2	7.9	8.2	8.5	6.7	6.9	6.4	7.5

Манба Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

⁷ Ўша манба

II.3. Қўшма корхоналар молия хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш

Баланс маблағларига асосланиб кор маблағларининг тез пулга айланиш ҳолати ўрганилади. Бундай корхоналарнинг каттиқ молияив чекланиши пайдо бўлиши ва олинган қарзларни қайтариш имкониятларини ўз вақтида ҳисоблаб баҳо беришда кўринади. Айниқса тўлов мажбуриятларининг муддати корхона мулки фаолияти натижасида пулга айланиши муддатига ҳос келиши молиявий ҳолатини яхшилашга таъсир кўрсатади шу боис корхона активларининг ҳаракатчанликларини таҳлил қилган ҳолда қарзларни кўпайтиришга етарли ёки етишмаслигини мумтазам ўрганиш лозим.

Пул шаклига айланиш тезлиги қарийб корхона активлари қуйидаги гуруҳларга ажралади.

1. Доимий ҳаракатдаги активлар
2. Тез сотувчи активлар
3. Секин сотувчи активлар
4. Кийин сотувчи активлар

Доимий ҳаракатдаги активлар гуруҳидаги активлар балансидаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар яъни қийматли қоғозлар киради.

Тез сотувчи мулкларга балансларининг 3-бўлими активдаги дебитор қарзлар ва бокаларни кўрсатиш мумкин. Бу маблағлар ҳам зарур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Секин сотувчи активларга баланснинг 2-бўлими захиралар ва ҳаражатлар жами тушунилиб нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларини қоплашга сарфланиши мумкин. Кийин сотилувчи гуруҳларга эса асосий воситалар ва бошқа оборотдаги ташқари активлар киради. Бу мулк турлилаб чиқаришда

узоқ муддат қатнашиб ўз қийматини аста секин яратилаётган махсулотларга ўтказиб беради.

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилик корхонанинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир.

1. Жами маблағлардаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улушини қанчалигини ҳисоблашдир.
2. корхонадаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат.
3. узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффицентини яъни узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффицентини ва маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлинади.
4. корхонанинг ўзига қарашли маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлиги коэффиценти.
5. эскиришини коэффиценти
6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларни аниқ қиймати коэффиценти бу кўрсаткич баланс маълумотлари асосида ҳисобланади.
7. Корхонадаги жами мулкни ҳаракатчанлиги.

Бозор иқтисодиётида барча ҳаракат фаолиятнинг натижаси ёки оддий қилиб тушунтирадиган фойда тушумнинг ҳаракатларидан ортиқча қисмидир.

Бозор иштирокчилари шу жумладан тадбиркор манфаати халқ истеъмол манфаати туфайлигина рўёбга чиқади. Буларнинг ҳаммаси бозор талабига тўла мос ҳолда фаолият кўрсатишни талаб қилади. Дастлабки қарашда фойда тушунчаси ҳаммага тушунарли кўринади аслида бошқа иқтисодиёт категориялар сингари ғоят чуқур

муносабатлар уни мохияти бошқа иқтисодиёт категориялариникидан анча мураккабдир.

Фонд самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_c = \frac{MK}{A_{урт}}$$

Яъни Φ_c =фонд самарадорлиги

M_k =йиллик махсулоти қиймати сўм

$A_{урт}$ =асосий ишлаб чиқаришларининг ўртача йиллик йиллик қиймати сўм.

Масалан: асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик қиймати 800 минг сўм даромад 600 минг сўм бўлганда фонд самарадорлиги

$$\Phi_c = \frac{600 \text{ минг}}{800 \text{ минг}} = 0.75$$

Янги ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига тўғри келадиган қимматига фонддан олинadиган даромаднинг тескари кўрсаткичига махсулотнинг фонд сиғими дейилади.

Фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилган айланма фондлар ўртача йиллик қийматига нисбатан планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш янги системасида корхона фойдалилик даражасини белгилайди.

R =фойда сўм

Бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағларини хар бир сўмидан кўпроқ фойда олишига кўрсатилгандир. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичларига яъни меҳнатнинг фонд билан таъминлаганлигига, яъни хар бир ишловчига йил давомида келадиган ишлаб чиқариш фондларининг

ўртача қиймати хим киради. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_{м.ф.т} = \frac{\Phi}{И} \cdot \frac{ч}{и}$$

Бунда

$\Phi_{мфт}$ -механизмнинг фонд билан таъминланганлиги сўм/киши

Φ и/ч- асосий ишлаб чиқариш фондлари. сўм

$И$ ишл-ишловчиларнинг ўртача сони киши

Мисол:

$$\Phi_{мфт} = \frac{800000}{1200} = 666.6$$

Яъни хар бир ишловчига йил давомида тўғри келадиган асосий воситаларни ўртача қиймат 666.6 сўмни ташкил этади.

III.Боб Худудимизда ялпи қўшма корхоналар тузиш истиқболи ва йўналишлар

III.1. Қўшма корхоналар тузишнинг асосий йўналишлар

Бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштиришда мамлакат мустақиллигини таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, саноат да ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан биридир. Наманган вилоятининг Республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 3.5 фоизга тенг (2007йил) Бу жihatдан у мамлакатда ўртача кўрсаткичга эга. Вилоятда 100 дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд бўлиб жами саноат махсулотининг 89.8 фоизи йирик ва ўрта корхоналарга, 5.2 фоизи кичик корхоналарга 4 фоизи уй хўжалиги, бошқаларга эса 1 фоизи тўғри келади. Тармоқлар бўйича енгил саноат 58.3 фоиз, озиқ овқат саноати 18.9 фоиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 6.6 фоиз, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 3 фоиз кимё ва нефтни қайта ишлаш 1.6 фоиз ёғочни қайта ишлаш 1.3 фоизни ташкил этади.

Минтақада 60 турдан ортиқ саноат махсулотлари ишлаб чиқарилиб уларнинг иўлаб чиқариш хажми шаҳар ва туманлар бўйича худудий фарқларга эга. Мазкур худудий тузилмалар вилоятда ишлаб

чиқарилган саноат маҳсулотларнинг 76.3 фоизини беради. Шу жумладан Наманган шаҳри Наманган тумани 41.8 фоиз Поп 15.1 фоиз, Учқўрғон тумани 9.1 фоиз Уйчи тумани 5.1 фоиз Наманган тумани 5.1 фоиз хиссага эга.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлилик даражасининг жаҳон талабига етказиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Республикадаги 2412 корхоналар 75 таси Наманган вилоятида барпо қилинган бўлиб улар турли мамлакатлар ҳамкорлигида ташкил этилган.

Умуман вилоятдаги қўшма корхоналарнинг қуйидаги ўзига хос минтақавий хусусиятлари мавжуд.

- қўшма корхоналарнинг асосан тўқимачилик ва мевани қайта ишлаш саноатида ташкил этилганлиги.
- Чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарнинг аксариятини Россия ва Туркия давлатларининг хиссасигна тўғри келиши.
- Вилоятдаги қўшма корхоналарнинг 48 фоизи, яъни 39 таси Наманган шаҳрида мужассамлашганлиги.
- Вилоятдаги қўшма корхоналар ҳудудий таркибининг ривожланмаганлиги.
- Чет эл инвестицияларининг иқтисодиётнинг устувор тармоқларига деярли жалб этилмаганлиги ва бошқалар.

Вилоятдаги қўшма корхоналар моҳиятига кўра асосан пахта толасида калава милладан ипак калава, жундан тўқилган газламалар ва ўдеяллар, сут маҳсулотлари, салқин ичимликлар, табиий мева ва сабзавотлар концентратлари, қадокланган чой, вино маҳсулотлари ишлаб ячиқаришга итисослашган бўлса шу билан биргаликда, савдор воситачилик ҳамда алоқа ва коммуникацияга ихтисослашган қўшма корхоналар ҳам мавжуд бўлиб.ю улар туманлар бўйича турлича жойлашган. Маълумотлар тахлили

шуни кўрсатадики, 2006 йилда вилоятдаги ишлаб чиқаришга

№		2000	2002	2004	2010	Ўсиш суръати %

йўналтирилган корхоналар 55 ёки 73.3 фоизни савдо воситачилик ва бошқа хизмат турларига ихтисослашган еорхоналар 26.7 фоизни ташкил этган, яъни уларнинг 20 таси турли хизматларга ихтисослашган кейинги йилларда вилоят қўшма корхоналарининг ихтисослашув даражасида сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди.

3.1.1-жадвал

1	Қўшма корхоналар сони	74	74	80	75	101.3
2	Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони -ишлаб чиқаришга йўналтирилган -савдо воситачилик ва бошқа хизмат турлари	47 24 23	45 34 11	71 51 20	58 50 8	123.4 208.3 34.7
3	Фаолият бўйича -жун қата ишловчи - пахта толаси -мева сабзавотни қ/и -халқ истеъмол моллари -алоқа коммуникация - савдо сотиқ -бошқа фаолият турлари	1 2 4 17 3 13 7	1 2 9 22 6 4 1	1 4 9 37 4 12 4	1 12 6 39 3 9 5	100.0 6м 150.0 2.2 100.0 69.2 71.4
4	Яратилган иш жойлари	2235	5461	5760	5807	259.8

Чунончи айрим йирик қўшма корхоналар яъни ишлаб чиқариш технологияларининг жорий қилиниши уларнинг ихтисослашиши даражасига ўз таъсирини кўрсатади.

- Асламтекstil Ўзбек-Турк қўшма корхонасида 40400 минг доир марказига тенг бўлган ип калава ишлаб чиқариш бўйича германия технологияси дастгохлари ўрнатилди.
- Силд роад ўзбек-япон қўшма корхонаи пилла чиқарадиган ғазна ипак ишлаб чиқариш бўйича қиммати 70000 минг АҚШ долларига тенг бўлган япония технологияси жорий қилинди.
- Панфен ўзбек турк қўшма корхонасида қиймати 30800 минг АҚШ долларига тенг бўлган тароқланган ип калава ишлаб чиқариш лойихаси ишга туширилди.
- Наманган ичимлиги махсулияти чекланган ўзбек америка қўшма корхонасида АҚШнинг кока кола компанияси технологиси асосида яхши ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Нестле ўзбекистон Шветсария сут махсулотлари қайта ишловчи қўшма корхонаси ишга туширилди.
- Янис ЖВ ўзбек испан қўшма корхонасида қиймати 4900 минг АҚШ долларига тенг бўлган шампан виносини ишлаб чиқариш технологияси жорий қилинди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, вилоятдаги 75 та қўшма корхонанинг 11 таси яъни 14.6 фоизи махсулот экспорт қилмоқда холос. Асосан Наманган Поп Тўрақўрғон Чуст Янгиқўрғон Норин туманлари ва Наманган шаҳридаги қўшма корхоналари вилоят ташқи иқтиодий алоқаларда фаол иштирок этмоқда. 2007 йилда қўшма корхоналари томонидан 41182.9 минг АҚШ долларлик ташқи савдо айланмаси бажарилган бўлса бундан 16362.5 минг АҚШ долларлик экспорт 24820.7 минг АҚШ долларлик импорт амалларини бажарган.

Республиканинг бугунги ташқи иқтисодий сиёсати махсулот экспортини кўпайтириш экспорт салохиятини кўпайтириш йўналишида

туб ислохотлар штказишни тақозо қилмоқда.шу ўринда таъкидлаш жоизки юқоридаги дастурлардан минтақаларни қуллаб қувватлаш масала бирламчи омил сифатида олинмайди, балки унга айнан муайян йўналишдаги муаммони ҳал ҳал этиўда устиворик берилади.

III.2. Чет эл сармояси иштирокида корхоналар самарадорлигини ошириш истикболлари.

Наманган вилоятидаги инновацион фаолият доирасидаги қўшма корхоналарнинг истикболдаги ривожланиши бугунги кун иқтисодида ва ижтимоий ҳаётида юз бераётган чуқур сифат ўзгаришлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бундай хусусиятлар биринчидан ҳудуддаги демократик вазиятнинг ўзгариши яъни табиий кўпайиши яъни миграцион ҳаракатлар шунингдек вилоятнинг транспорт, ўрни шунингдек табиий ресурслар ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш даражаси, учунчидан жамият эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий экологик муаммоларни бартараф этиш, тўртинчидан илмий техника ютуқлари фойдаланиш ҳолати бешинчидан ички ва ташқи бозордаги иштирок этиш кўрсаткичлари, олтинчидан бутун миллий иқтисодиёт мажмуасини инвестициялаш жараёнининг барқарор ривожланиб боришидан келиб чиқади. Бу хусусиятлар вилоятда қўшма корхоналарнинг ривожланишига қаратилган ҳудудий башоратлашни амалга оширишни тақозо қилади.

Шунингдек, яқин истикболга мўлжалланган қўшма корхоналарни ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаш иқтисодиётда туб ўзгартиришлар миллий иқтисодиёт мажмуасининг моддий техника базасини мутлақо қайта қуриш, иқтисодиёт мажмуасининг моддий техника базасини тармоқларини самарали таркибини яратиш ҳамда бошқаришни шаклланган ишлаб чиқариш тизимига мос ҳолда “ўзгарувчанлик” хусусиятлари билан ҳам ҳамбарчас боғлиқдир.

Юқоридаги жараёнлар ўз навбатида жамиятнинг сиёсий иқтисодий ижтимоий мафкуравий муносабатларни бегилаб берадики, бу ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига кучли таъсир этади ва қўшма корхоналарнинг янада такомиллаштириши ва инновацион фаолиятни шаклланишига олиб келади.

2001 йилга мўлжалланган давлат инвестиция дастури доирасида тўғридан тўғри чет эл инвестициясини жалб қиладиган бир неча лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган эди. “ДЕМО 2000” лойиҳаси шулардан энг йириги деб эътироф этилган. Лекин бу лойиҳа амалга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан доимий мониторинг олиб борилади.

Қўшма корхоналарнинг истиқболдаги ривожланишини аниқлашда 2001 йил 3 мартда Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан қабул қилинган “2005 йилгача бўлган даврда вилоятни экспорт салоҳиятини ривожлантириш минтақавий дастури” муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дастур ижроси вилоят экспорт ҳажмини кўпайтириш ва унинг тартибини такомиллаштиришда иқтисодий тармоқларнинг мавжуд имкониятларидан маҳаллий хом ашё ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш салоҳиятини кенг қўламда фойдаланиш кўзда тутади.

Вилоятда 2011 йилнинг январ-декабр ойлари якуни билан иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб суръатларида ўсишини таъминлаш мақсадида асосий эътиборни Республика президенти И.Каримов томонидан 2008 йилнинг 12 феврал куни Вазирлар маҳкамасида ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш қаратилди.

Республика инвестиция дастурига мувофиқ 2010 йил бюджетдан жами 29.7 млрд сўм капитал маблағ ажратилган бўлиб қишлоқ шифокорлик пункти, Наманган шаҳридаги вилоят сил касалликлар шифохонаси, ҳудудий кардиожаррхлик маркази, 8370 ўқувчи ўринга 100 ўрин ётоқхонаси билан 11 та касб хунар коллежи, 495 ўқувчи ўринга академик лицей ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш объектларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Вилоятда чет эл инвестицияларини фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси президентининг 2007 йил 9 октябрдаги ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги инвестиция дастури тўғрисидаги 704 сонли қарори вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида 2007 йил 29 ноябр вилоят хокимининг 201 сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан 2010 йилда вилоятда 7 та лойиха доирасида 28.0 млн доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва 4 та лойихани тўлиқ амалга ошириш натижасида йилига 30.2 млрд сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 11.9 млн доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилиш ва 1000 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Жами дастур бўйича жалб қилинган инвестициялар 33.9 млн долларни ташкил этади. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 31.6 млн доллари тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 1.96 млн доллари (500 млн сўм) маҳаллий кредитлар ҳисобига тўғри келади.

Тикувчиликка ихтисослашган “MUSHTARIY” INTERNATIONAL LTD қўшма корхонасига хорижий ҳамкор томонидан 5000 минг доллар миқдоридаги тўғридан тўғри инвестиция киритилиши белгиланган. 2007 йил якуни билан 1500 миқдорида инвестиция киритилган эди 20087 йил якуни билан 60.0 минг доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилди.

Шунингдек корхона ўз маблаҳлари ҳисобидан 300.0 минг долларлик қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 01.01.2009

йилгача ушбу лойиха бўйича жами бўлиб 210 минг доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилган. 2009 йилнинг январ ойида 290.0 минг доллар киритилиб лойихани ишга тушуришга белгиланган.

Шунингдек, захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланган ишлаб чиқариш келуси давр чиқимлар тайёр махсулот ва булар ҳам киради. Тугалланган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим. Балансининг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиётида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат.

Шунингдек, ҳудудий инвестиция дастурига асосан 2008 йилда жалб қилинган инвестициялар 33.8 млн АҚШ (111.9%) долларни ташкил этди. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 31.5 млн АҚШ доллари тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, 1.96 млн АҚШ доллари ўз маблағлари ва 355 минг АҚШ доллари (5 млн сўм) маҳаллий кредитлар ҳисобига тўғри келади.

2008 йил давомида эски комбинат биноси мутлақо янгидан қурилиб, қурилиш ҳамда жихоз ва ускуналарни ўрнатиш ишлари жами 20.6 млн доллар инвестиция киритилди.

2009 йилда 8 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 4 минг тонна оддий калава ип 3.9 минг тонна мепанш ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўшимча 310 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, 42 та корхонада модернизация ва кенгайтириш ишлари амалга ошириб 5.2 млрд сўм маблағи ажратилди.

Хусусан жорий йилда 49 та корхона шундан хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 8 қўшма ва хорижий корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан 23 та корхона ва ташкилотларда модернизация техник ва технологик қайта қуроллаштириш ишлари ҳамда 18 та янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга режалаштирилган.

Шунингдек кўмак кафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлари ҳисобидан аҳоли ичимлик суви таъминоти яхшилаш учун хорижий инвестициялар жалб этилиши кутилмоқда.

Хулоса

Мустақил Ўзбекистон миллий иқтисодиётини шакллантириш ва мустаҳкамлашда ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришнинг аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, халқ хўжалигининг мазкур тармоғини жадал

ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш инновацион фаолият муҳим ўринга эга. Олиб борилган ўрганишлар қуйидаги хулоса ва таклифларни қилиш имкониятини беради.

1. қўшма корхоналарнинг хусусийлашларини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.
2. Наманган вилояти ва туманларида қулай инвестиция маконини шакллантириш қўшма корхоналарни қуришнинг зарур шартидир. Бу макон ўз навбатида ҳуқуқий ва ташқий ишларни бажаришни умумий (транспорт ва ижтимоий) ва бозор инфраструктурасининг мавжудлиги, хом ашё, минерал ва бошқа ресурслар, иқтисодий ўрин қабилар билан белгиланади.
3. ҳозирги даврда қўшма корхоналар бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Андижон, Фарғона ва Навоий вилоятлари ажралиб туради. Айни вақтда бу ҳудудларга қўшма корхоналар экспорт фаолиятидаги ўрни ҳам катта. Шу жиҳатдан Наманган вилояти ўртача маъқега эга.
4. Наманган вилоятининг табиий шароити ва қазилма бойликлари қўшма корхоналарни жойлаштириш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан. “қоникарли”, транспорт инфраструктураси “ўрта” ва иқтисодий ўрнини “яхши” деб баҳолаш мумкин.
5. Шу билан биргаликда мазкур битирув малакавий ишида бозор иқтисодиёти шароитида қўшма корхоналар фаолияти суғулиги асосий сабаблар и қуйидагилардир.
 - ҳукуматнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қонун қоидаларга мукамал эмаслиги уларнинг жойлардаги мансабдор шахслар томонидан тўлиқ бажарилмаслиги
 - инновацион фаолиятни такомиллаштириш ва хизмат қиладиган буғунларнинг етарли даражада ишламаётганлиги ва ҳ.к.
6. шуни таъкидлаш жоизки Наманган вилоятининг қўшма корхоналари асосан енгил саноат ва айниқса тўқимачилик тармоқларига

ихтисослашган. Уларнинг аксарияти Наманган Косонсой Поп туманларида жойлашган.

7. Наманган вилояти иқтисодиётини янада мустахкамлаш ва шу асосда ижтимоий муаммоларни ечиш мақсадида саноатда вўшма корхоналар сонин кўпайтиришга катта эътибор қаратмоқ лозим. Бу борада инновацион фаолият салоҳиятини реал баҳоловчи тадқиқотларни кенг кўламда олиб бориш ҳамда уларнинг натижалари билан чет эл сармоядорларини қизиқтириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар амалга ошириш вилоятда кўшма корхоналари фаолиятини келажакда ривожланишини белгилашга ижобий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил якунлари 2011 йил устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Халқ иродаси 2011 йил.

2. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтиришимиз халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Халқ сўзи 2011 йил 22 январ.
3. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чора тадбирлари” Ўзбекистон 2009 йил.
4. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози сабаблари ва хусусиятлари иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Вахобов А.В, Жумаев Н.Х., Хошимов А. Тошкент Академик нашриёти 2009 йил.
5. Каримов И А халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир-Т Ўзбекистон, 1996-1585
6. Каримов И А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-Т Ўзбекистон 1997-3265
7. Каримов И А Ўзбекистон буюк келажак сари-Т Ўзбекистон, 1998-6865.
8. Каримов И А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида-Т Ўзбекистон, 1995-2685
9. Абдумўминов А Ўзбекистон кичик ва ўрта тадбиркорлигига хорижий инвестициялар. Бозор пул ва кредит-Т 2000 №1 б 46-47
10. Абдуллаев О, Исмоилов Р кичик ва ўрта бизнесни бошқариш-Н Фахризода, 2001 115 б
11. Абдуллаев О, Фарғона водийси: Ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнлари-Наманган, 200-290 б
12. Ахмедов Э А Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида-Т: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр.2002-224 б.
13. Бурхонов А инвестиция фаолиятини такомиллашуви. Бозор пул ва кредит-Т 2001: №5 40-41 б

14. Восиев Н, Низомов А хорижий инвестицияларни иқтисодий жалб қилиш. Бозор пул ва кредит-Т 2000 №3 48-50 б
15. Жаҳон инвестициялари 1999 йил бевосита жорижий инвестициялар ривожлантириш истикболлари. БМТ ЮНКТАД материаллари, бозор пул ва кредит-Т 2000 №1 40-46 б
16. Маллабоев Т, Розиков Н М Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий алоқалари Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсати Муаммо ва ечимлар-Наманган 2001 2-қисм 158-159 б
17. Мирзаахмедов Х Ўзбекистонда қулай инвестицион маконнинг шаклланиши ват ривожланиши иқтисодий ахборотномаси –Т 2002 №5-6 43-45 б
18. Мирзаахмедов Х, Жуманов Ш Бозор инфратузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистон География жамияи ахбороти 22 жилд-Т 2002 48-49 б
19. Набиев Э, Қаяюмов А Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти-Т 2000 87 б
20. Наманган вилоятида фаолят кўрсатаётган қўшма корхоналар. Наманган вилоят хокимлигини иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси-Наманган 2009-68 б
21. Нурибегов Р, Абдуқайюмов А, Ёдгорова И Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини ошириш Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-Т 2002 №5-6 27-28 б
22. 2000 йилгача бўлган даврда вилоятнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш минтақавий дастури. Наманган 2000-48 б
23. 2005 йилгача бўлган вилоятнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш минтақавий дастури. Наманган 2000 48 б
24. Солиев А, Қарашибоева М саноат ишлаб чиқариш минтақавий муаммолари (Сирдаёре вилояти мисолида) Гулистон 2001 98 б
25. Турдиев А Инвестицион муҳит ва уни таҳлил қилиш усули иқтисод ва ҳисобот-Т 1996 1997 №2.5.60 №7 6-7 б

26. Хайдаров Н Х Бозор иқтисодиёти ва қўшма корхоналар. Бозор пул ва кредитлар-Т 1997 №2 60 б

27. Ғайбуллаев Д Кичик ва хусусий бизнес истиқболлари. Бозор пул ва кредит-Т 2000 № 48-50 б.

28. Интернет сайтлари:

www.finanee.uz

www.statistika.uz

www.banking.com

www.referat.ru

www.c.b.u.uz